

## Касб танлаш

18:23 / 27.03.2022 3889

Ассалому алайкум! Берадиган саволим бироз тушунарсиз бўлиши мумкин. Лекин мен учун жуда муҳим. Менга Аллоҳ томонидан болалигимдан сакинатли баракотли ҳаёт ҳақида хаёллар ўйлатиларди. Яъни, мен одатда жуда хурсанд ва хотиржам юрардим. Бу қандай ҳис, нега бундайлигини билмаганман ва ўйламасдим, шунчаки менга бу ёқарди. Бошқа болалардек таллашиб тортишмасдим. Вояга етгач секин-аста масжидга боришни, маърузалар тинглашни ва илм олишни бошладим. Ва сездимки, масжиддалигимда, динимиз ҳақида фикр ютирсам бу қувонч кучаяди, дунё ҳаётига қайтсам, йўқоларди. Бу шундай сакинатли ҳиссиётки, тарифлай олмайман. Лекин ҳар сафар мен буни ҳис қилсам, Аллоҳга қасам, менда бор нарсаларни бериб бўлса ҳам, ана шу оламда яшагим келади ва Аллоҳга бўлган ишқ ниҳоят даражада, ўта кучайиб кетади... Аллоҳнинг фазли билан ҳозирда Жанубий Кореянинг энг нуфузли университетларидан бирида ўқийман. Келажакда катта фирма очиб, кўп мусулмонларни иш билан таъминласам бўлади ёки ўзимга етадиган кичикроқ бир дўкон очсам ҳам бўлади. Ўйлайманки, катта фирма мени бутун умримни банд қилади ва мени дунёга боғлаб қўяди. Юқорида таърифланган ҳиссиётда эса мен ўзимни дунё ҳақида ҳам чекмаётган, илми қори сифатида ҳис қилганман. Агар менда бор бу имконият (нуфузли университет дипломи) дан фойдаланмасдан, ўзим ва аҳлим таъминоти учун бир дўкон очиб, умримни илмга бағишласам, Аллоҳнинг берган неъматини (университет)га, нонкўрлик қилган бўлмайманми? Анча ўйладим, лекин тўғриси тополмаяпман, менга тўғри йўл кўрсатинг илтимос.

Жавоб:

– Ва алайкум ассалом! Сиз катта фирма очинг. Қиёматгача давом этадиган шаръий бир ишни йўлга қўйинг. Одамлар садақаи жория деганда фақат масжид ёки мадрасани тушунадилар. Аслида шариатга мувофиқ нарса ишлаб чиқарувчи завод-фабрикалар ҳам садақаи жория ҳисобланади. Истеъдодингизни барбод қилмай ишни йўлга қўйинг. Валлоҳу аълам!

**«Зикр аҳлидан сўранг» ҳайъати**